O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100095, Toshkent sh. 2-Chimboy ko‘chasi, 96-uy. Tel: (998) 71 246-01-95, e-mail: devonxona@edu.uz, edu@exat.uz, veb-sayt: www.edu.uz

2022-yil 16 avgsut 87-01-647 son

**Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиал директорларига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида”ги 2022 йил 15 июндаги ПҚ-279-сонли қарорининг 7.в)-бандида давлат олий таълим муассасасининг биридан бошқасига талабалар ўқишини кўчиришга фақатгина талаба оила қуриши муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудуддаги олий таълим муассасасига ўқишини кўчириш учун мурожаат қилганда ёки давлат органларининг ходимлари иш жойи ўзгарган тақдирда унинг турмуш ўртоғи ёки вояга етмаган фарзанди ўқишини кўчириш учун мурожаат қилганда, тегишли вазирлик (идора) раҳбарининг тавсияси асосида рухсат берилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 20 июндаги 393-сонли қарори 3-иловаси 6-бандига асосан бир олий таълим муассасаси доирасида олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш шу олий таълим муассасаси ректорининг буйруги асосида амалга оширилиши белгиланган.

Фуқаролар томонидан келиб тушаётган кўплаб мурожаатларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг 2022 йил 3 августдаги 2-сон баёни 5-иловасида келтирилган Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори бўйича турдош таълим йўналишларига мувофиқ ўқишни кўчириш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ваколати доирасида талабалар ўқишини кўчириш (қайта тиклаш) ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш бўйича комиссия йиғилишининг 1-сон баённига мувофиқ бир олий таълим муассасаси доирасида мос ва турдош таълим йўналишларига ўқишни кўчириш тўғрисидаги аризаларни жорий йилнинг 25 августига қадар қабул қилиниб, ваколат доирасида кўриб чиқилишини ташкил этилиши сўралади.

Бунда, олий таълим муассасасининг моддий техник базаси, профессор-ўқитувчилар сони ҳамда талабаларнинг кўчириш сабабларини катъий инобатга олган ҳолда қарор қабул қилиш сўралади.

**Вазир** **А. Тошкулов**

Ижрочи: А.Холиков
Тел: 71 207 16 57